

30299766 - СОН  
МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари, яқка тартибдаги тадбиркор ва конун ҳужжатларига кўра, юридик шахсни ташкил этмасдан фаолият юритувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа иштирокчилари) учун

27.01.2022 йил

ш.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда матнда – Компания деб юритилади) номидан 30.12.2021 йилдаги №27-01-14/6020 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “ЎзМобайл” филиали директори С.С. Фахрулдинов, бундан буён “Оператор” деб номланувчи, бир томондан ва KASBI SUV XO‘JALIGI VA MELIORATSIYA KOLLEJI номидан Устав (Низом, рўйхатта олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи KASBI SUV XO‘JALIGI VA MELIORATSIYA KOLLEJI, бундан буён “Абонент” деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матнда – Шартнома деб юритилади) куйидагилар ҳақида тузилди:

### 1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг www.uztelecom.uz расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367-, 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан мобил алоқа хизматларини кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган мобил алоқа хизматлари учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцентини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

### 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишда умумэътироф этилган маданиятга амал қилинган ҳолда, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

### 3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида Хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб 100 (юз) фойз миқдоридан олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор Хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча содиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (юз) фойз миқдоридан олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича тадабнома (ҳисоб) асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни ҳисобга олган ҳолда) 445 000 (Тўрт юз қирқ беш миң) сўмни ташкил этади. Ушбу сума \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм миқдоридан Абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) миқдоридан бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сума Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент кейинги ҳисоб-китоб даври (ҳисобот ойи) бошлангунга қадар олдиндан тўловнинг 100 (юз) фойз шarti билан ҳар ойда Хизматлар учун тўловни амалга оширади. Ушбу тўлов Шартноманинг 8-моддасида кўрсатилган Операторнинг шахсий ҳисоб рақамларига пул маблагларини кўрсатишдан хизматлар ҳисобига олган ҳолда, танланган ҳажм ва тарифлар/тариф режаларига мувофиқ ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатади.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган Хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу Хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор Хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қондалари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор Хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган Хизматлар, Шартномага мувофиқ Хизмат учун асосида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1.Агар Абонент **10 (ўн) иш кўни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу Хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва Хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган Хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатта Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга Хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5.Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномаши бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонуни ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

#### 7.Якуний Қоидалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига амал қилади.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20\_\_\_ йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди ўз шартларини бажаришни давом эттирсин ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20\_\_\_ йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганини ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

#### 8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

##### Оператор:

“Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали  
Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кучаси, 8 уй  
СТПР: 203366731  
МФО: 00401  
ИФУТ: 61100  
Х/р:  
АТБ “Алокабанк”  
Тел.: 998367757, 998367767  
e-mail: corporate@uzmobile.uz

##### Абонент:


Мижоз: KASBI SUV XO'JALIGI VA MELIORATSIYA KOLLEJI  
Манзил: Ўзбекистон, Қашқарларинская обл., Қасбийский район,  
DENOV  
Банковские реквизиты: 400110860102377092600170001  
МФО: 00014, Г.ТАШКЕНТ,РҚЦ ГЛ.ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ  
ИНН:201122919  
ИНН: 200700911

Тел.:

М.Ў.

Имзо:

27.01.2022 D.Шомигулов



2022 й. «27» Январ даги “Ўзбектелеком” АК ЎзМобайл ва Касби  
 сув хўжалиги ва мелиорация коллежи ўртасида  
 445000 сўм умумий суммага тузилган 30299766- сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\*

Боб 028

Шахсий газна ҳисобварак 400110860102377032600170001

(сўмда)

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	70 92 600 42 92 200	...	...	
Январь	150000			150000
Февраль	150000			150000
Март	145000			145000
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	445000			445000

Жами 445000 сўм (Тўрт юз қирк беш минг) сўм  
 сумма суз оилан


Юқоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан \_\_\_\_\_%\*\*\* 20  
 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.



(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига  
 икки нусхала такдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат молдаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойна \_\_\_\_\_% жорий ойнанинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан  
 тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал  
 хизматлар кўрсатиши, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар  
 (ишлар, хизматлар) ёқазиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

  
 Буюртмачи раҳбари  
 М.У.  
 Буюртмачи  
 бош бухгалтери

  
 (ИМЗО)  
  
 (ИМЗО)

  
 Ф.И.О.  
  
 Ф.И.О.

Газначилик бўлинмасининг  
 ходими қабул қилди \_\_\_\_\_

(ИМЗО)

Буюртмачи ходими  
 қабул қилди \_\_\_\_\_

(ИМЗО)

20 \_\_\_\_ й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

20 \_\_\_\_ й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

000034

-сонли шартнома

«Истеъмолчиларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

27.01 2022 я.

Ушбу шартнома "Қашқадарё суви таъминоти" МЧЖ номидан ишоннома орқали Қасби бўлиши, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Ишонмачи фаолият юритувчи В. Ҳусейнов шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи Қасби суви кўрсатиш ва таъмир қилиш Ишонмачи фаолият юритувчи директор А. Ашрафжон (Ф.И.О.)

иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

### I. Шартнома предмети

1.1. 2021 йил учун суви етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан буён матнда II гуруҳ «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун суви етказиш 4420 нарх буйича 67.87 м<sup>3</sup> ни:

1 м<sup>3</sup> ичимлик суви учун 3800 сўм (+ККС 15%), + 50 сўм (махсус устама ҳақ) ни;

1 м<sup>3</sup> оқова суви учун 2100 сўм (+ККС 15%), + 50 сўм (махсус устама ҳақ) ни ташкил қилмоқда.

Уртача суткалик ичимлик суви истеъмоли лимити 67.87 м<sup>3</sup>.

Шу тарихда шартноманинг умумий ҳаёти 248925.4 сўмни ташкил қилди. (сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 79925.4 сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан \_\_\_\_\_ сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қондаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобовар-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Газначилиги орқали суви таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларини қабул қилиш олинган мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова суви хизматлари учун тўловларини ҳар ойнинг 10 санасигача 100 фоизлик олдидан ҳақ тўлаш тартибида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова суви хизматлари буйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга суви таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қондалари"га (кейинчалик матнда – Қондалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланган махсус устама ҳақи 1 м<sup>3</sup> ичимлик суви учун 50 сўм, 1 м<sup>3</sup> оқова суви хизмати учун 50 сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ичимлик ва оқова суви таъминоти улашиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### II. Умумий қондалар

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкилоти рухсати билан ва у техника инжонитларини мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидаги ичимлик ва оқова суви тармоқларига, ишпоот ва қурилмаларга субистеъмолчиларнинг уланishiга рухсат бериш ҳуқуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган ишонч «Таъминотчи» ташкилоти томонидан кўриб, чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистеъмолчи турли гуруҳ ва тоифали истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» ҳам, субистеъмолчи ҳам тузди ва сувини ҳисобга олиш приборини ўрнатиш ҳақ эканлиги учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

2.4. Ичимлик сувидан дов-дарахтларини суторини учун фойдаланишига қуйидаги истеъмо ҳолатларда йўл қўйилади: ирригация суви бўлмаганда, таъминотчи ташкилоти қуввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жалвал буйича, фавқ тунги вақтда (соат 00-00 дан соат 05-00 гача) йўл қўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова суви хизматидадан истеъмолчи ҳўжалик-истеъмол, минший эҳтиёж ва ёнгиқларни ўчириш ҳамда технология ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувини ҳисобга олиш приборлари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбланади, ҳамда «Таъминотчи» томонидан пломбланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувини ҳисобга олиш приборини ечиш, қавслашдан ўтказиш ва ўрнатиш қонунчилида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган суви ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал суви истеъмоли ва минимал суви истеъмолига текширилади ҳамда «Истеъмолчи» билан келишилади. Ҳисоблаш прибори учун ўрнатиш минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда суви истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» ходими суви ўлчаш тармоғини қайтадан қуриш билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қондаларда ўрнатиш тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова суви хизматлари ҳўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш приборларини ишта тушириш, ҳисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмолчиларининг улашиши «Истеъмолчи» томонидан фақат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчи»нинг сўровмаси асосида, берча тасдиқловчи ҳужжатларини илова қилган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмолчи» булортмасига асосан, амалдаги меъёр, қондалар ва бошқа меъёрли ҳўжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларининг ишта туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва қурилиш ташкилот вакиллариининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова суви хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ миқдори ўзгарган санасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартнома ўз кучини саклаб қолади ва «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларини амалга ошириши шарт.

2.11. Лимитдан ортиқча суви истеъмол қилинган ҳолатларда, «Таъминотчи» томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 ортирилувчи коэффициентни қўллаш йўли билан ҳақ ундирилади.

2.12. Қуйидагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеъмолчилар» шу жумладан, ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, ичимлик ва оқова суви хизматлари тармоқлари, ишпоотлари ҳамда қурилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини саклаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) ичимлик суви истеъмоли учун — тармоққа улашишини узиб қўйувчи кўриш қулифи. Кўриш қулифи билан ичимлик суви улашиш, «Истеъмолчи»нинг ички ичимлик суви таъминининг бир қисми ҳисобланади;

б) оқова хизмати учун — «Истеъмолчи» оқова таъминининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал оқова тармоғига улашиш нуқтасидаги чиқарув қудути. Агар чиқарувчи оқова қудути (камераси) магистрал оқова тармоғига жойлашган бўлса, ушбу қудуқ «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармоғининг бир қисми ҳисобланиши, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эва «Истеъмолчи»нинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари

3.1.1. Тегинли сифат даражасидаги ичимлик суви ва оқова суви тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганилиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан қонунчилида ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жазима (пена)лар тўлашни талаб қилиш;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан қамда 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда суви таъминоти ёки оқова сувини чиқариш буйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларини тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова суви хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қараларининг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномалик ҳисоб ёки ўз вақили оқоли бепул олиниш

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва оқова суви хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўз ўрнида ҳақидаги маълумотларини бепул олиниш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова суви хизматлари кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носолиқ ва камчиликларини бартараф этиш бўйича маълумотларини олиниш;

### 3.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Оқова тармоқларида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини суви босишидан сақлайдиган барча ўчирувчи қурилмаларининг бут сақланганлиги, ишга қўйилганлиги ва пор-чал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;

3.2.2. Истеъмолчига қарашли санитария асбоблари, оқова тармоқлари, ишпоот ва қурилмаларда таъминотчи «Таъминотчи» ташкилотидан, ичимлик суви ва оқованинг ташиқ ешилмаслиги, носолиқ техник ҳолати туфайли истеъмолчининг оқова тармоқларида ёки «Таъминотчи» ташкилотидан, ичимлик суви ва оқованинг ташиқ тармоқларида авария (тиқилб қоллиш, суви босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини суви босиши оқибатида етказилган зарарни қоплаши;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни ҳисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёгини зулфини, гидрантлар ва унинг ҳудудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан шомбалинган бошқа ичимлик суви қурилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сақлаш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқова суви тармоқлари, ишпоотлари ва қурилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлиқ;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёгинига қарши тизимдан фойдаланиш тўхтатилганда «Истеъмолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларини пломбага олиш учун «Таъминотчи» ташкилоти вақолини чакирини;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санада кўрсаткичларини ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларини «Таъминотчи»га келинмаган ҳолда тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш.

### 3.3. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқлари:

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истеъмолчининг 7 кун аввал ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда сувни узатиш ва оқова сувларини қабул қилишни тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истеъмолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова суви тармоқлари, қуриш ва ишпоотларнинг техник ҳолати қониқарсиз бўлганда ва «Таъминотчи» ташкилоти вақолини аниқланган техник фойдаланишдаги ҳаттоликларини бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истеъмолчини томонидан бажарилмаганда;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истеъмолчининг сувни ҳисобга олини улаши, ичимлик ва оқова суви тармоқлари, қурилмалари ва ишпоотларини назорат қилиш ҳамда сувни ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларини қайд этиш, пломбаларни ўрнатилган максимал қўлдан кечирини, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда суви беришни мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти ишлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истеъмолчи томонидан асоссиз равишда киритилмаганда;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истеъмолчи уланган ичимлик ва оқова суви тармоқлари, қурилмаларида режалли-огоҳлантириш тартиди таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек, кичи истеъмолчиларини улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истеъмолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова суви тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчилик билан улангани аниқланганда;

д) «Истеъмолчи» томонидан ичимлик ва оқова суви хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда;

е) «Истеъмолчининг» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова суви тармоқларига, қурилмаларига «Таъминотчи» ташкилотидан уланган учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибда улангани рад этилганда;

ё) «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у оқинлаётган оқова сувлар миқдори ва таркиби бўйича шартларга риоя қилмаганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти қуйидаги ҳолатларда оқиндан хабар қилмасдан суви узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатишга ҳақли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табиий офатлар рўй берганда;

в) Авария ҳолатларида;

г) Ёгини чиққан жойларга суви узатишни қўйиштиришга зарурат тутилганда.

### 3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Суви таъминоти ва оқова суви чикараб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;

3.4.2. Ичимлик ва оқова суви тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик суви сифати мониторингини олиб бориш;

3.4.4. Истеъмолчиларининг ичимлик ва оқова суви тизимларида уланган ичимлик суви ва оқова тармоқлари, ишпоотлари ҳамда қурилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш, улардан самарали фойдаланишни таъминлаштиришда истеъмолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

3.4.5. Истеъмолчилар томонидан сувни бекуда сарфининг оқидини олиш, оқолат қорхоналари ва уларга тенглаштирилган қорхоналарда суви бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя қилинаётганини мунтазам равишда назорат қилиш;

3.4.6. Суви истеъмолчи белгиланган метр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан орттирилувчи 10,0 коэффициентини қўллаш;

3.4.7. Оқова суви тизимига оқинлаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда истеъмолчига пеня ҳисоблаш;

3.4.9. Истеъмолчиларининг шартнома шартларига риоя этилмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;

3.4.10. Ичимлик ва оқова суви хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қараларининг йўқлиги ҳақидаги маълумотларини истеъмолчиларга бепул тақдим этиш;

3.4.11. Ичимлик ва оқова суви хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчиларини хабардор қилиш;

3.4.12. Ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатишга рўй бериш мумкин бўлган режалли тўхтатиш ва узиллишлар ҳақида истеъмолчилар узиллишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огоҳлантириш.

### IV. Тарифларнинг жавобгарлиги

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларини бажармаслиқда ёки пеня даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаши шарт.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагилар учун жавобгардир:

а) Ичимлик суви ҳисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланма линия жўяриги, гидрант ва бошқа суви узатиш мосламаларидаги қисмларнинг ҳудуди ва тасарруфида бўлган пломбага олиш ҳисоблаш қурилмаларининг бутун сақлангани учун;

б) Суви тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ суви ҳисобга олиш қурилмаларининг қасдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда суви ҳисоблаш приборларидаги кўрсаткичларини тарифлардан аралашган ҳолатлари учун;

в) Ўзбошимчилик билан қурилган ишпоотлар сабабли тармоқларига авариялар бўлган ҳолатларида;

г) Дренаж тизими мажбул бўлса «Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган оқова тармоқига ёгини ва эриган қор сувларини тушинишга йўл қўймаслик.

Ушбу қондабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчининг» масъулият ва жавобгарлик чорасини белгиланган учун асос бўлиб хизмат қилади;

д) Қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолатларда.

4.3. «Таъминотчи» қуйидаги ҳолатларда жавобгардир:

а) Амалдаги метр-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ва қонунчиликда қўзда тутилган бошқа ҳолатларда;

б) «Истеъмолчиларга» ичимлик ва оқова суви хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларини ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) «Истеъмолчининг» ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда қоплаш;

г) Шартнома шартлари ва тоқланилган мажбуриятларни бажармаслик.

#### V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш прибори мавжуд бўлганда, ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ҚКСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охиригача ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдидан ҳақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3. Тўловнинг шартномада белгилангандан кечиктирилган ҳар бир кунга учун истеъмолчи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 фоиздан ошмаслиги лозим.

5.4. «Истеъмолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдидан ҳақ тўловларнинг амалга оширмасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда хабардор қилган пайтдан бошлаб беш иш кунини ўтгандан кейин қараларни юқун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ушбу чораларни қўради.

Бундай ҳолларда ёнгидан сақланган ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан қилгани узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (юз) баробари миқдорда тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маълумларини ўтказиш орқали ушбу чораларни қўради.

5.5. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувнинг миқдори, ичимлик сув тармоқидан етказиб бериладиган ичимлик сув миқдорига тенг. Марказлашган ишонқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилувчи ичимлик сув миқдорига оқова сув тармоқлари ҳисоби учун 2,0 коэффициентни қўллашлари лозим. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг қурilmалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурilmаларининг мақсулдорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) қўлайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (қудуқ, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлан манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан махсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун рухсатномани қўшимча равишда тақдим этишни зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, қудуқ, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимига оқова сувларни оқизиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

#### VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қараларни тўлаб, бу ҳақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолashi шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетган сувнинг ҳисобга олиш прибори, пламбалярнинг бутлиги ва қолганмаган дебитор қардорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юклатилади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш ҳобисиятидан келиб чиқиб ойнинг қалендар кунлари ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

буйда: M – 0,60га тенг бўлган сулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F – сувоқлик оқиб ўтган қувур ёки тешик қесими майдони (ички диаметр бўйича)м<sup>2</sup>;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда.

Қуйдаги ҳолатларда юқоридagi формула асосида ҳисобланади:

6.2.1. «Истеъмолчи» сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчилик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиққан, сизилган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўғити тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш приборининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган эҳмеқ қолламга (пломбага) рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имкониёти чегараланганда;

6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан сизилган сақланган гидрант ва қувурларига) ўзбошимчилик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқлашда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчилик билан улашиб олган шахсоннинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб ҳисмат қилади. Буида:

- тўлов муддати, энг сўғити тузилган далолатнома синасидан ўзбошимчилик билан улашиб олинган кун санагача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчилик билан улашиб узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчилик билан улашиб олинган саналми бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансидаги тармоқларга улашиб содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчилик билан уланган санали томон, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга березали. Белгиланган муддат тугагач буортмачи (объектни лоьхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўзариши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини ақунлашга асос бўлади.

6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова суви тармоқларига улашни санаи ҳақдаги ҳужжатларни тақдим этилган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан ҳоқим қарори ва қадостр ҳужжатлари ҳамда шу қабилар асосида тақдим қилинган улашни санаи буйича ҳисоб-китоб қилинига ҳақлидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичида ақилптсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир кунга учун 0,4 фоиз пеня йаъди ва унинг умумий ҳажмиёти асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизишдагач, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истеъмолчи»лар томонидан ташлан тартибни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунинда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тақдирланган «Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари» ҳамда ифлослаштирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортқча оқизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга шибетан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.8. Оқова суви чиқариш приборининг ҳажми ва таркиби буйича метрлар билан белгиланган оқизилган йўл қўйилмаган чекланган миқдордан ортқча оқова сувар ва ифлослаштирувчи моддаларнинг чиқариш тақдирланади.

6.9. Ифлослаштирувчи моддаларни нормативдан ортқча оқизилган учун компенсация тўловларини ҳисоблаб ёшиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Таъминотчи» муҳофаза қилиниш таъминлашининг иқтисодий механизмларини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари ҳамда ифлослаштирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қардорлик тўланмаган тақдирда «Истеъмолчи» оқова тармоқларидан узиб қўйилади.

6.11. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўладан овоз қилмайди.

#### VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

- 7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.  
Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонуқчилигига мувофиқ юридик «Истеъмолчи» давлат рўйхатидан ўтган суд органларида кўриб чиқилади.
- 7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда Қонуқчилиқда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

#### VIII. Форс – мажор

- 8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилилла, сув тошқони, ёнгин, сел, дўд, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар муқор шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажарилмаслик учун жавобгарликдан овоз этиладилар.
- Мажмур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзига келтирган вақтга муносиб равишда узайтирилади.
- 8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда оғоҳлантириши лозим.
- 8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

#### IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

- 9.1 Ушбу шартнома икки нусxada тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан соқланади.
- 9.2 Шартнома газначилик бўлимларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

#### X. Тарафларнинг юридик манзили:

Қасби СУВ ТАЪМИНОТЧИ  
«ТАЪМИНОТЧИ»  
Манзил: Қасби Г-Н Қасби қ-қ  
Тел: 22638000909291550353  
х-р: 22638000909291550353  
Банк: Қасби  
Банк коди: 00190 СТИР: 204737079  
ХХТУТ:  
Шахсий рақам:  
Шахсий х-р:  
Банк:  
СТИР:  
Рехбар:  
М.У. (Ф.И.О. ИМЗО)  
« 2022 » й.



«ИСТЕЪМОЛЧИ»  
Қасби СУВ ХўЖАЛИГИ ВА ИШБОРАТИЯ КОЛЛЕКТИВИ  
Манзил: Қасби тумани Деҳов к/б  
Тел: 22638000909291550353  
х-р: 22638000909291550353  
Банк: Марказий Банк - Тошкент шаҳар  
Банк коди: 00114 СТИР: 200300911  
ХХТУТ: 92120  
Шахсий рақам:  
Шахсий х-р: 2348200030000001010  
Банк: Марказий Банк - Тошкент шаҳар  
Банк коди: 00114 СТИР: 201122919  
Рехбар: А. Мирзакулов  
М.У. (Ф.И.О. ИМЗО)  
« 2022 » й.



Юридик ҳуқуқ:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва «Ҳужжат қоритиш субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида»ги қонуқ талабларига мувофиқ тузилган

Юрисконсулт: О. Шойикулов

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й.

27.01.2021. О. Шойикулов

2022 й. 27» Январ даги қасби сўв ташноти ва Қасби сўв хўжалиги ва мелиорация коллежи ўртасида 299985,4 сўм умумий суммага тузилган 000034-сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\*

Боб 028

Шахсий газна ҳисобварак 100010860102377092600170001

(сўмда)

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	7092600 4224000	...	...	
Январь	99980,4			99980,4
Февраль	99980,4			99980,4
Март	100024,6			100024,6
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	299985,4			299985,4

Жами 299985,4 сўм (икки юз тўқсон тўқмиз минг тўқсиз юз саксон беш сўм 4 тиш) сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан \_\_\_\_\_%\*\*\* 2022 ойда тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилди;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойна \_\_\_\_\_% жорий ойна \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) ётказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).



Буюртмачи раҳбари

М.У.

Буюртмачи  
бош бухгалтери

*(Signature)*  
(ИМЗО)

*(Signature)*  
(ИМЗО)

(ИМЗО)

*(Signature)*  
Ф.И.О.

*(Signature)*  
Ф.И.О.

Ф.И.О.

Газначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди \_\_\_\_\_

(ИМЗО)

Буюртмачи ходими қабул қилди \_\_\_\_\_

(ИМЗО)

20 \_\_\_ й. « \_\_\_ » \_\_\_\_\_

20 \_\_\_ й. « \_\_\_ » \_\_\_\_\_